



EZGU FIKR, EZGU SO‘Z, EZGU AMAL!

ILM SARCHASHMALARI

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING
ILMIY-METODIK JURNALI



2018 - 6

шаклини қабул қила олмаслиги, -лар кўплик кўшимчаси билан қўлланган ҳолларда эса кўплик маъноси эмас, балки турли модал маънолар ифодаланиши қайд этилган.

Абстракт отларнинг кўплик сон категориясига ўзига хос муносабати Рус ва Европа тилшунослари томонидан ҳам абстракт сўзларнинг асосий формал ўзига хослиги деб эътироф этилади. Жумладан, “Биз кўплик сон категориясини ҳосил қилмайдиган сўзларни аниклаб, ушбу категория (абстрактлик)ни кашф қилдик; факат конкрет деб англанадиган предметларгина кўплик маъносига эга бўла олади ва шундан келиб чиқиб кўплик категориясини ҳосил қиласди”.¹ Абстрактлик категорияси фақат бирлик сон шаклига эгалиги билан ўзининг грамматик ифодасини топади.² Кўплик сон категорияси шаклининг йўклиги абстракт отларнинг асосий грамматик тавсифидир.³

Ўзбек тилшунослигидаги ҳам абстракт отларнинг грамматик кўпликка муносабати хусусида бир қатор фикрлар билдирилган. Жумладан, Ш.Раҳматуллаев отларни жисмий (конкрет) ва фикрий (абстракт) отларга ажратар экан, фикрий отларни фақат бирлик шаклда ишлатилувчи от турлари гурухига киритади.⁴

Шу ўринда айтиш жоизки, абстракт отлар конкрет отлардан фарқли равишда, саноқ системасига ҳам бефарқ ёки саноқ системасига муносабати жуда хира тарзда. Таққосланг: *иккита нон, бешта бола ёки учта онг, олтита туйгу* каби.

Ўзбек тилида *гоялар, фикрлар* каби баъзи сўзларда кўплик маъносининг ифодаланиши; айрим абстракт сўзларнинг саналиши (*иккита қайгу, учта гоя, тўртта фикр*) бу омилнинг ҳал қилувчи эмаслигини қўрсатиб, аҳамиятини семантик омилдан куйироқ погонага туширади.

Ўзбек тилида абстракт отлар от, сифат, сон ва феъл сўз туркумидаги сўзлардан ўзига хос аффикслар -лик (дўстлик), -лик (борлик), -ч (севинч), -чилик (қудачилик), -гарчилик (одамгарчилик) ёдамида ясалади. Абстракт отлар суффиксли сифатлар ёрдамида ҳам ҳосил бўлади: *нокамтарлик, ноҳақлик, сергаплик* каби. Айрим илмий ишларда аффикслар ёрдамида ясалган бу каби сўзлар ажратилган сўзлар деб юритилиб, абстракт сўзлар қаторига киритилмайди.⁵ Бунда ясалашга асос бўлган ўзак морфема асосида объектив воқелик билан боғланиш мавжуд бўлади, деган фикр илгари сурилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, абстракт ва конкрет номлар ўртасидаги зидликнинг асосида улар номлаётган моҳиятларнинг турлича эканлиги ётар экан, абстракт номларни ажратишда бошқа формал омилларга нисбатан семантик омилнинг устуворлиги, шубҳасиз.

**Манзура Абжалова (Алишер Навоий номидаги ТДЎТАУ)
МАТИНИ ГРАФЕМАТИК ТАҲРИРЛАШ МОДУЛИНИНГ ЛИНГВИСТИК
НОРМАЛАРИ**

Аннотация. Бугунги кунда информацион технологиялар орасида матнларга автоматик қайта ишилаши тизимлари истикболли йўналишлардан ҳисобланади. Шундай тизимлардан бири – бу автоматик таҳрир қилиши тизими бўлиб, у комплексли кўп босқичли ҳисобланади. Ушбу мақолада илк босқич ҳисобланмиш графематик таҳрир борасида сўз боради. Мақолада графематик таҳрирнинг вазифалари қўрсатилган ҳамда графематик таҳрирлаш модулларини ташкил этувчи асосларга эътибор қаратилган.

¹ Калинина Л.В. Лексико-грамматические разряды имён существительных как пересекающиеся классы слов. Дис. ... док. филол. наук, Киров, 2009, с. 24.

² Виноградов В.В. Русский язык. (Грамматическое учение о слове). В.В. Виноградов. 3-е изд., испр. М., “Высшая школа”, 1986, с. 137.

³ Золотарёва Т.А. Семантические особенности английских абстрактных существительных, влияющие на употребление артикля. Дис. ... канд. филол. наук, Москва, 2003, с. 20.

⁴ Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o‘zbek tili. Darslik. Toshkent, “Universitet”, 2006, 207-bet.

⁵ Чернейко Л.О. Лингво-философский анализ абстрактного имени. М., изд-во МГУ им. Ломоносова, 1997.

Аннотация. Системы обработки текста на узбекском языке в настоящее время представляют собой одно из наиболее перспективных направлений информационных технологий. Из таких систем как система автоматического анализа является комплексно многоэтапным процессом. В данной работе рассматривается задача этапа графематического анализа. А также указана база составляющих модулей графематического анализа.

Annotation. Text processing systems in the Uzbek language represent now one of the most perspective directions of information technology. One of such systems is the system of automatic editing and it is considered as complex and many staged. In the given work the speech goes on about a graphematic editing as the first stage. There are shown the tasks of graphematic editing and attention is paid to the bases in graphematic editing modules.

Калит сўзлар: автоматик анализ, система, графематик анализ, модуллар, матнни ишлаш, ахборот технологиялари, жараён, модуллар базаси.

Ключевые слова: автоматический анализ, система, графематический анализ, модули, обработка текста, информационные технологии, процесс, база модулей.

Key words: automatic analysis, system, graphematic analysis, modules, text processing, information technologies, process, base of modules.

Компьютер лингвистикасида сўнгги йилларда тезкорлик билан ривожланиб бораётган ва кўпчиликнинг дикқатини тортаётган йўналиш – бу матнларни автоматик равишда қайта ишлаш йўналишидир. Кундалик турмушимизнинг ажралмас қисмига айланган компьютер технологияларида матн асосий ўринни эгаллайди. Шу боисдан амалий тилшунослик вакиллари, даставвал, матнни автоматик равишда бир тилдан бошқа бир ёки бир неча табиий тилга таржима қилувчи, матнни морфологик, синтактик ва семантический жиҳатдан автоматик таҳрир қилувчи, матндағи сўзларнинг частотасини кўрсатувчи ва бошқа шу каби дастурларни яратиш устида иш олиб боришиди. Бугунги кунда эса матн билан бөглиқ дастурларнинг лингвистик таъминотларини бойитиш ва яна-да мукаммаллаштириш борасида илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Матнларни қайта ишлаш йўналишида автоматик таҳрир муҳим ўрин тутади. Компьютер воситасида амалга ошириладиган бундай таҳрир усули инсон томонидан қилинадиган лингвистик таҳрирдан вақтни ва моддий маблагнинг тежалиши билан ажралиб туради. Шунингдек, автоматик таҳрир айни иш жараёнида, яъни матнни киритиш пайтида фойдаланувчининг саводини оширишга ҳам хизмат қиласи. Матнни киритувчи томонидан йўл кўйилган орфографик, синтактик ёхуд семантический жиҳатдан таҳрир дастури ўша онда аниқлайди ва тўғри ёзиш вариантларини ҳавола қиласи. Дейлик, ҳоким сўзи киритилиши керак, аммо дастур фойдаланувчиси сўзни ҳоким тарзида ёзди, шунда дастур ўзига жойланган лингвистик модуллар натижасида сўзни хато ҳисоблаб, фойдаланувчига ҳоким, ҳаким вариантларини беради. Натижада фойдаланувчи ўзбек имло луғатида ҳоким туб сўзи мавжуд эмаслигини англайди. Шунингдек, таҳрир дастури нафақат сўзларнинг тўғри ёзилётганини текширади, балки белгиларнинг ўз ўрнида қўлланилаётганини ҳам назоратга олади. Дейлик, *Дўстим, омадни қўлдан бой берма!* жумласи грамматик жиҳатдан тўғри тузилган, лекин вергул белгиси дўстим сўзидан сўнг бир бўш жой – пробел ташлаб ёзилган. Лингвистик таҳрир дастури ушбу кичик хатоларни инобатга олиб тузилади.

Матнларни таҳрир қилувчи дастурнинг мукаммал бўлиши учун қуйидаги лингвистик модуллар ишлаб чиқилиши лозим:¹

1. Графематик таҳрир модуллари.
2. Морфологик таҳрир модуллари.

¹ Большакова и др. Автоматическая обработка текстов на естественном языке и компьютерная лингвистика. М., 2011, с. 106; Леонтьева Н.Н. Автоматическое понимание текстов: системы, модели, ресурсы. М., 2006, с. 50.

3. Синтактик таҳрир модуллари.

4. Семантик таҳрир модуллари.

Графематик таҳрир матнни лингвистик жиҳатдан автоматик текширишнинг илк босқичи ҳисобланади. Ушбу босқичда матндаги хат боши, сўз, гап, рақам, пунктуацион белгилар ва бошқа махсус рамзий белгилар аниқланади. *Графема* – ёзма матн бирлиги (харф, тиниш белгилар), инглиз тилида *token* дейилади, *tokenization* сўзи шундан келиб чиқкан. Графематик таҳрир босқичининг мақсади матндаги энг кичик бирликларни аниқлаш ва таснифлаш. Бундай бирликларга қуйидагилар киради: сўз, хат боши, тиниш белгилари, саналар, пул бирликларининг рамзлари, сўз-рақамли бирикмалар, сонлар, IP-манзиллар ва файл номлари, телефон рақамлари.

Графематик таҳрир қуйидаги вазифаларни бажаради:

1) матн оқимини сўзларга бўлиб, уларни классификациялаш. Бу бирликларга жараён давомида кейинги таҳрир учун изоҳ берилади. Масалан, АА – сўз, фақат бош ҳарфлардан иборат. Аа – сўз, бош ҳар билан бошланади каби. Бунинг учун алфавитдаги бош ва кичик ҳарфларнинг барчаси дастур модулига киритилади;

2) матндан белгилаб олинган сўзларни частота бўйлаб тартибга солиш;

3) сўзларнинг айрим комбинацияларини йирикроқ бирликларга – “барқарор ибораларга” бирлаштиради (ибора боши ва охирига белги қўяди: ИБ1... ИБ2);

4) сўзларга (яширин, ноаник сўзларга) махсус белги беради;


5) ўтказилган жойларни ҳисоблади ва назорат қиласди;

6) хат бошини аниқлади ва рақам қўяди;

7) қисқартма сўзларни – абревиатураларни аниқлади.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун тилшунослик методларига таянган ҳолда формал ёндашувни ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Графематик таҳрир манбалари сифатида қуйидагилар хизмат қиласди:



Демак, графематик таҳрир модуллари асосини қуйидаги белгилар ва бирикмалар қатори ташкил этади:

1. 0 дан 9 гача бўлган сонлар ва рим рақамлари. Қолган мураккаб сонлар ушбу ўнта сон орқали юзага келтирилиши алгоритмга киритилади.

2. Лотин, кирилл ва араб ёзувлари алифболаридаги бош ва кичик ҳарфлар.

3. Тиниш белгилари: нуқта, вергул, қўштириноқ, қавс, тире, икки нуқта, нуқтали вергул, кўп нуқта, сўроқ ва ундов.

4. Математик ифодалар: кўшиш (+), айириш (-), бўлиш (÷,:), кўпайтириш (×,), қавс ва унинг кўринишлари ((),[], чексизлик белгиси (∞), даражага кўтариш (x^2), илдиз ости (\sqrt{x}), tenglik (=) ва teng эмаслик (\neq) белгилари, катта (>) ва кичик (<) ишоралари кабилар. Алгоритмга уларнинг фақат сонлар орасида келиши маълумот қилиб киритилади.

5. Тире (–) ва чизиқча (–)нинг алоҳида белгилар эканлиги ёзилади.

6. Тутук белгисининг вазифалари кўрсатилади.

7. Диакретик белгилар. Матн лотин ёзувида ёзилаётганда дастур алгоритми о‘ ва г‘ ҳарфлари устидаги ‘диакретик белгиси’ тутук белгисига алмаштириб қўйилганда, бундай ҳолатни хато деб ҳисоблайди ва матн киритувчини ушбу хато ҳақида огоҳлантиради.

8. Ҳавола белгилари: рақамли (²⁻³) ва юлдузчали (*) қўринишлари.

9. Махсус белгилар: \wedge , \vee , $\%$, $\&$, \backslash , $\{ \}$, № кабилар.

10. Қисқартма сўзлар. НДКИ, ТошМИ, ЮНЕСКО, СамДУ каби.

Матндан белгиларнинг асосий қисмини маълум бир табии тил алфавитидаги ҳарфлар ташкил этади. Сўзларни ташкил этувчи ҳарфлар маълум бир ёзув (кирилл, лотин ёки бошқа ёзув)да киритилаётганда сўз таркибига ўзга ёзув элементи ёзилиб кетиши мумкин. Масалан, *taқtab*, *makr*, *zarb*, *akciya* каби. Графематик таҳрир бундай ҳатоларни аниқлайди ва ўзидан кейинги (морфологик) босқичга ўтказади. Айрим ҳолларда матнларда махсус белгиларни учратиш мумкин. Масалан, ҳароратни кўрсатувчи белги, ©, *, &, №, &, <, > каби белгилар. Бундай белгилар таҳрир дастурининг лингвистик маълумотлар омборига “махсус белгилар – МахБ” номи остида ҳар бирининг вазифаси ёзилган ҳолда киритилади. Улар қаторида бўш жой ажратувчи пробел ва хат боши белгиси, сатр охирини кўрсатувчи белгилар ҳам киради. Масалан, (“лексема”), – тарзида кетма-кет келган белгилар тизими қўйидагича изоҳланади:

- (– очувчи қавс;
- “ – очувчи қўштиренок;
- лексема – лугавий бирлик;
- ” – ёпувчи қўштиренок;
-) – ёпувчи қавс;
- , – вергул;
- – тире.

Бундай изоҳлар синтактик ёки семантик таҳрирда белгиларнинг ўрни ва аҳамияти учун муҳимдир. Бундан ташқари, ёзувда шундай ҳолатлар бўладики, уларни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Масалан, сўзлардаги ҳарфлар бир бўшлиқ – пробел кўйиб ёзилган бўлиши мумкин (A P И З A). Агар бундай ҳолатлар юзасидан графематик таҳрир модулларига маълумот киритилмаса, дастур A P И З A сўзидағи ҳарфларни бир сўзни ташкил этувчилар деб эмас, балки алоҳида қўлланган ҳарфлар кетма-кетлиги деб ҳисоблайди.

Шунингдек, каср сонларни ифодалашда қўлланиладиган нуқта ёки вергул белгилари рақамларни ажратувчи белгилар сифатида эмас, балки рақамларни бир бутунликда қабул қилишини билдиради.

1.25 — бир бутун сонлар
5,5 —

Лотин графекасида ёзилган ўзбек тилидаги матнларни компьютер воситасида ёзиш жараёнида диакретик белгиларнинг турли ҳолатда қўйилганига гувоҳ бўламиз.

Нотўғри	Тўғри
O`o` G`g`	O‘ o‘
O'o' G'g'	G‘ g‘
O'o' G'g'	
fe'l	fe'l
a'lo	a'lo

Бундай хатога оммавий ахборот воситалари ва реклама матнларида йўл қўйилаётгани ачинарли ҳол, чунки ҳар бир белги ўз ўрни ҳамда вазифасига эга. Лотин алифбосидаги о‘ ва г‘ ҳарфларини англатишга хизмат қиласидиган диакретик белгининг тўғри қўйиш

қоидаси (тутук белгисининг юқорига қараган тескари ҳолати) “Лотин ёзувига асосланган ўзбек адабий тилининг имло қоидалари”да ёзиб қўйилган. Тутук белгисининг вазифаларидан (тутук белгиси унли товушдан кейин қўйилса, унинг чузиб ўқилишини таъминлайди: *she’r, ma’no*; ундош товушдан сўнг қўйилса, ўзидан кейин келган унлидан ажратиб ўқилишига хизмат қиласи: *sur’at, qit’at*) англаш мумкинки, диакретик белги билан тутук белгисининг алмаштириб қўлланилиши, асло, мумкин эмас.

Лингвистик таҳир дастурининг графематик таҳир босқичи модулларини яратишида юқоридаги каби ҳолатларнинг ҳар бири матн элементлари типлари тарзида юзага келтирилади. Қуйида типларнинг қандай бирликларни ўз таркибида олиши келтирилди:

ЛекБ – лексик бирлик, бир ёзувга мансуб алифбодаги ҳарфлардан юзага келган лексема (*volda, buyruq, yurak, hayot, oldin* каби);

ЧетЛ – чет тили лексемаси (*приказ, бюро*);

РБ – рақамли бутунлик (1986, 18/04/2012, 5.05, 19,25);

ХРБ – ҳарф-рақамли бутунлик (Боинг-767, СУ-26, “Келажак овози – 2013”, “Йил аёли – 2012”)

АББР – аббревиатура (БМТ, МДҲ, ЎзР, НДКИ, ЎзМУ);

ҚБ – қисқартирилган бирикмалар (*ва ҳ.к., ва бошқ., м.-н.:*).

Бир қарашда аҳамиятсиздек туйилган белгилар таҳрири матнларнинг саводли ёзилишида ўз ўрнига эга. Бир жузъий лингвистик хато ҳам матннинг сифатига путур етказиши мумкин. Шу боис ўзбек тилидаги матнларни автоматик таҳирловчи дастурнинг лингвистик таъминотини яратишида, асосан, лотин ёзувидаги ёзилган матнлардаги қисқартма сўзлар, графемалар таҳририни амалга оширувчи графематик таҳирлаш модулларини ташкил этувчи лингвистик белгиларга алоҳида ургу берилди. Графематик таҳир кўп босқичли таҳирлаш дастурининг илк босқичи ҳисобланиб, у кейинги босқичларнинг самарали ва тўлақонли бўлишида хизмат қиласи.

Feruza Murotchodjayeva (ЎзДЖТУ)

КОГНИТИВНЫЕ И СЕМАНТИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К ЗНАЧЕНИЮ СЛОВА

Аннотация. Ушбу мақолада сўзнинг семантик таркибини шакллантириши ва сўз мазмунини тушуниш муаммосига қаратилган. Сўзнинг семантик хусусиятларини аниқлаш ва ташкил этиши, моҳиятини, сўз маъноларининг когнитив ва семантик усулларини ўрганишига асосланган.

Аннотация. Данная статья о семантической структуре слова связана с проблемой осмысления содержания и формы знака и, в частности, основывается на постулате о том, что значение, как единство формы и содержания, формируется лишь в сознании говорящего, а потом и слушающего как единство образов формы слова и содержания. Суть альтернативного подхода заключается в определении минимально существенных семантических признаков слова, установлении места лексемы в системе языка и речи.

Annotation. This article is about the problems of formation of semantic structure of the word and understanding the sense of the word. The essence of identifying and organizing semantic peculiarities of the word is based on learning cognitive and semantic ways of word meanings.

Калим сўзлар: овоз, график қобиқ, сўз маълумоти, грамматика, лексика, лексема, лугатлар, сўз ясаш.

Ключевые слова: звуковая, графическая оболочка, грамматика, лексика, лексема, словари, словообразование.

Key words: sound, graphics, word information, grammar, vocabulary, lexemes, dictionaries, word formation.